



Бодир Ёрғуб
«Dunyoda ilmdan boshqa najot yo'q va
hech qachon bo'lmagay». Imom Buxoriy



IMOM BUXORIY SABOQLARI

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal



27 IYUN –
MATBUOT VA OMMAVIY AXBOROT
VOSITALARI XODIMLARI KUNI
MUBORAK BO'LSIN!

IMOM
BUXORIY
XALQARO ILMIY-
TADQIQOT MARKAZI
NASHRI

2/2019

ирода, вазминлик билан иш тутиш ва омилкорлик, келажакка, инсонга доир удум ва анъаналар руҳида, шунингдек, шахс илмий дунёқарашини шакллантиришга катта имконият беради.

Имом Бухорий ҳадислари ўз Ватанини севувчи унинг равнақи ва истиқболи учун фидоий ёшларимиз, баркамол авлод учун албатта дастуруламал бўлиб қолиши шубҳасиздир.

ҲОЙДАЛАНИЛАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Абдуллох. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадис. Ал-жомий ас-сахих. – Т.: Комуслар бош муҳарририяти, 1997.
2. Имом ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
3. "Имом Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни" мавзuidaги халқаро конференция материаллари. УзР ФА, Фан, 1998.
4. Ўзбек педагогикаси тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
5. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. – Т.: Фан, 1996.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШИНING ШАКЛЛАНИШИ

Бобир ҲАЗОВ
БухДУ таянч
докторанти

Маъмур мақолада Жалолiddин Румий, унинг ҳаёт йўли ва маънавий дунёқараш, тасаввуфий-фалсафий қарашларининг шаклланишига таъсир кўрсатган шахслар ва омиллар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: "Мавлоно", "Мавлавия", тасаввуф, сўфийлик, шариат, "Асрорнома".

The following article analyzes the life pathway, the factors and personalia which had an impact on the spiritual weltanschauung, sufi-philosophical views of Djalahidin Rumi.

В этой статье проводится анализ факторов и личностей повлиявших на жизненный путь и духовное мировоззрение Джалалиддина Руми, а также в формировании его суфистско-философских взглядов.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тубдан янгиланиш жараёни юз берди. Халқимизнинг бой илмий-фалсафий, диний, маънавий-маърифий мероси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари қайта тикланди. Айниқса, шарқ фалсафасини теран ўрганиш асосида улғун маданиятимиз илдизларини жонлантириш, уни замонавий-умумбашарий руҳ билан бойитиш вазифаси долзарб масала бўлиб қолди. Миллий ўзлиқни англаш, яшаб ўтган мутафаккир ва алломаларнинг илмий-фалсафий ва диний ахлоқий қарашларидан халқ оmmasини баҳраманд этиш ҳаётий заруратга айланди.

Миллий мафқуранинг диний фалсафий илдизларидан бири, кишиларни комиллик даражасига етказишга хизмат қиладиган таълимот бу тасаввуфдир. Тасаввуф ислом дини заминидан ва исломий ҳақиқатлар бағридан вужудга келган, қарийб ўн икки асрдан ортиқ вақт давомида яшаб келаётган таълимот бўлиб, унда инсоннинг бир қанча эзгу истаклари ва идеаллари жамланган бўлиб ҳисобланади.

Тасаввуф асрлар оша кишиларни соғлом эътиқод, юксак маънавият ирфоний тафаккур, маърифат ва маданиятга қорлаган ва тарбиялаган. Тасаввуфий қарашларнинг яхлит таълимотга айланиб, ислом ўлкаларига кенг ёйилиб кетгани фикримизнинг яққол тасдиғидир. Ўн икки асрлик тарихимиз давомида кўплаб дунёга донғи кетган мутасаввифлар ҳамда тасаввуфий таълимотлар вужудга келдики, улар доимо инсонлар қалбига зиё таратиб келди. Буларга мисол қилиб, Аҳмад Яссавийнинг "Яссавия", Абдухолик Ғиждувонийнинг "Ҳожагон", Нажмиддин Кубронинг "Кубровия", Баҳоуддин Нақшбанднинг "Нақшбандия" ва яна бошқа бир қанча тариқатларни санаб ўтишимиз мумкин. Ана шундай тасаввуф таълимотига ўхшаган ўз диний, фалсафий-ахлоқий қарашларига эга бўлган мутасаввиф бу "Мавлавия" тариқатининг асосчиси Мавлоно Жалолiddин Румий Балхийдир.

Мўтуллар истилоси арафасида ўз юртдан чиқиб кетиб Туркиянинг Коня шаҳрида кўним топган бу мутафаккир кўчиб кетган юртда ислом ва тасаввуф таълимоти жорий этишда, инсонларни буюк қадриятлар

негизида тарбиялашда катта хисса қолдирган. Айниқса, буни ўша давр тарихий шароитидан келиб чиқиб таҳлил этадиган бўлсак, Румий маънавий меросининг аҳамияти янада буюклашади. Зеро, бу даврда Чингизхон ва унинг авлодлари томонидан амалга оширилган истилочилик юришларидан анчагина мамлакатлар азият чекмоқда эдилар. Жалолiddин Румий эса Шайх Фаридууддин Аттор Нишопурий ҳазратлари башорат этганларидек "Қуйганлар қалбида дунё оловини ўт олдириди" [6: 56]. Румий томонидан ёзилган асарларда эса унинг гуманистик ғоялари, нотакрор адабий мероси меросини ўрганиш, унинг фалсафасидаги олам ва одам, инсон, ахлоқ муаммоларини таҳлил этиш юқорида кўрсатилган омиллар билан асосланади.

Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида Румий ҳақида, унинг ижоди ва сўз санъати борасида сўз юритар экан, қалам аҳлини уч гуруҳга ажратиб, Жалолiddин Румийни биринчи тоифага мансуб шоирлардан, деб ҳисоблайди: "... Яна қойили маснавийи маънавий, ғаввоси баҳри яқин (аниқ илмдаги ғаввос) Мавлоно Жалолiddин, яъни Мавлавий Румийдурки, мақсадлари назмдан асрори илохий адоси ва маърифати намутаҳоний имлосидин ўзга йўқдур". У ўзининг барча асарларида еру кўнининг соҳиб бўлмиш Оллоҳи қаримни ва унинг заминдаги халифаси Ҳазрати инсонни улғулайди [1: 24-25].

Мавлононинг асл исми Муҳаммад Жалолiddин бўлиб, "Мавлоно" ва "Румий" нисбатлари унга Онадўли ерларига келганидан сўнг берилади. Ушбу нисбатларни Туркиялик олим Салоҳиддин Ҳидоятўгли қуйидагича изоҳлайди: "Тақсир", "Жаноб" маъноларида қўлланилувчи "Мавлоно" исми унинг ёшлик даврларидан бошлаб, Коняда мударрисликни бошалаган пайтларидан берилган бўлиб, бу исм Султон Валад ва Шамсиддин Табризий даврларида одат бўлган эди.

Мавлононинг "Румий" деб танилиши эса унинг бир неча юз йиллар аввал Рум диёри деб номланмиш Онадўли мамлакатининг вилояти бўлган Коняда узок муддат яшаганлиги ва шу ерда вафот этганлигидандир" [2: 13].

Жалолiddин Румий милодий 1207 йилнинг 30 сентябрида ҳозирги Афғонистоннинг Балх шаҳрида,

“Султонул уламо” лақабини олган улуғ шайх Муҳаммад Баҳоуддин Валад хонадониди дунёга келган. Баҳоуддин Валад ўша давр Хоразмшоҳлар давлатининг ҳукмдори бўлиши Муҳаммад Хоразмшоҳ билан келишолмай, оиласи, муридларини олиб, Балхдан чиқиб кетади ва Макка сафаридан сўнг, Ироқу Ажам шаҳарларини кезиб, охири Туркиянинг Коня шаҳрида кўним топади. Салжук султонлари томонидан иззат-икром билан қабул қилинган Баҳоуддин Валад шу ерда муқим бўлиб қолади. Бу орада мўғул босқини бошланиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон ўт ичида қолади, Балхнинг тўрт юз уламеси қатл қилинади. Шу тариқа Жалолиддин ота юртига қайтиб келмайди ва умрининг охирига қадар Онадўли ўлкасида умргузаронлик қилиб, шу ерда вафот этади.

Айтишларича, бўлажак шоирнинг отаси она ватани Балхни умрбод ташлаб кетишга қарор қилгач, Макка ва Мадинадаги муқаддас жойларда ибодат қилиш учун бутун оила аҳли билан йўналди, йўл-йўлакай қадимий шаҳарларга кўниб ўтади. Шу пайтда бир қанча ўз даврининг кўзга кўринган алломалари Жалолиддин Румийга хайрихоҳлик билдиришади. Жумладан, у ерда Баҳоуддин Валад таниқли форс шоир-сўфийси Фаридиддин Аттор билан учрашди. Сўхбатни якунлаб, шоир унинг кичик ёшдаги ўлини кўрсатиб, таъкидлади: “Ўглинг қайғули қалбларда осойишталик оловини ёқишига узоқ вақт қолмади”. Шундан сўнг у болага Румий ундан умр бўйи ажралмай, доимий равишда қайта-қайта ўқиб чиқадиган, ўзини қийнайдиган шубҳа-гумонларининг шарҳларини, жонини азобга соладиган саволларга жавобларни топадиган ўзининг “Асрорнома” (“Сирлар китоби”) девонини тортиқ килди [2: 56].

Шунингдек, Султонул уламо Ҳаж фарзини бажариб бўлганидан сўнг, қайтиш пайтида Шомга тўхтаб ўтади ва у ерда Шайх Акбар Муҳийддин Ибн Арабий (1165-1240) билан учрашади. Шунда Ибн Арабий ҳазратлари Султонул Уламонинг орқасида турган Мавлонога қараб шундай деган экан: “Субҳаналлоҳ! Бир океан бир денгизнинг орқасидан кетаётган экан” [3: 91].

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Мавлоно Румийнинг ўз замонасининг етук мутасаввиф мутафаккирларидан бири бўлиб етишишида унинг отасининг хизматлари бениҳоя улкан бўлиб ҳисобланади. Жалолиддин Румий тасаввуф таълимотига оид илк сабоқларини отасидан олганлиги ва унинг илк устози ҳам отаси Баҳоуддин Валад бўлганлиги бир қанча тарихий маълумотларда баён қилинганлигини кўришимиз мумкин. Баҳоуддин Валаднинг “Ал-маориф” асари деярли бутун умр Жалолиддиннинг қўлидан тушмаганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

1231 йилнинг 23 февралда Жалолиддиннинг отаси “Султонул уламо” нисбати билан тавсиф этилмиш Баҳоуддин Валад вафот этади. Шу пайтда Жалолиддин эндигина 24 ёшда эди. Отасининг вафотидан сўнг Жалолиддин мадрасадаги отаси амалини эгаллади, шу тариқа бир йўла маҳаллий диний обрўли шахслар доирасига мансуб бўлди. Бироқ ўша давр тасаввурига мувофиқ, жума кунлари жоме масжидида ваъз ўқиш, маҳаллий амалдорларнинг болаларини ва бой шаҳарликларни илоҳий асослари, диний ҳуқуқ (фикҳ) ва Қуръон тафсиридан таҳсил беришга у жуда ҳам ёшлик қиларди. Ўз устозлари ўглининг сўзлари ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида марҳум отасининг таъсирли ва машхурроқ шогирдлари ҳамда издошлари Жалолиддин атрофида тўпландилар. Аммо, эндигина йигирма тўрт баҳорни қаршилаган Жалолиддин ирфоний илмларни ҳали тўлиқ эгалламаган эди. 1232 йилда Термиздан

“Кубровия” тасаввуф биродарлиги жамоати, Баҳоуддиннинг ҳаммаслаги Саййид Муҳаққик кўчиб келади ва ўзини батамом тарбиясига бағишлайди. Румий тахминача унинг мурид-шогирди бўлган эди. Бу тасаввуф “сулук”ининг кўнгилидаги сирли айлади, унинг наздида шахсий руҳий таанглинмаган “билим”дан сирли билимлағоясига асосланган тасаввуф асосий маъмоҳиятини очди. Афтидан, бу дамларда Бурҳониддиннинг кашшофлигини ниҳоя ҳолда қарши олди, негаки, Коня жамиятиддий мўл-кўл ва барқарор ҳолатини таъмиган тўлиқ ва тизимли диний билимни эг уни кўпроқ ўзига тортарди [4: 227].

Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” хий-биографик романида ёзишича, тасавидрок этиш ва ўз-ўзини камолга еткази асосий босқичга бўларди. Биринчи босқийни Қуръон ва Муҳаммад Пайғамбар ҳаётларда акс этган қонун-қоидаларни бажаникроғи, тайёргарлик босқичи...

Биринчи тайёргарлик босқичи – шариат мантиқий билимларга тўғри келар, ил деб аталарди. Сўфийлар мантиқий билаҳамиятини рад этмаган ҳолда, уни маҳдуд деб қарашар, зеро, у фақат аломатлар, хосси ятларни илғар, уларнинг таъбирича, жавҳар сифатга боқар, бинобарин, унинг маҳсу эмас, билхақиқат” эди. Мантиқий били бўлақларга бўлиш – таҳлил ва санжоб қирўёбга чиқади. Илоҳий ҳақиқат эса ўз мутлақ бўлиши эътибори билан таҳлил ва сқўймайди, бас, уни мантиқий йўсинда идрок кин эмас.

Сўфийлар ақлий мушоҳада ортидан мушоҳада бор, деб ҳисоблашар, уни илми га шарди. Фақат илми ғайб воситасида мантиқларни билиб бўлмаганидек, илми ғайб очадларни мантиқ очолмасди [6: 195].

Унинг устози бўлган Шайх Саид Бурҳон ёш Жалолиддинни айнан илми ғайб йўлида эди. Демак, ёш Жалолиддин шариат илмининг отасининг ўғитлари орқали ҳамда Қуръон хадиси шарифлар орқали ўрганган бўлса, ҳотасидан кейинги устози Саид Сирдон Теўрганари.

Мавлоно Жалолиддин Балхий дунёқа шаклланишига таъсир кўрсатган яна бир сўфилларидан бири бу Шамс Табризийдир. Шамс билан Шамс. У ёритувчи, куйдирувчи, куйтиривчи бир нурдир. Шамс Табризий ҳам анлар устоди Жалолиддин Румийнинг ҳаёт тўлдирди. Шамс Табризийни афсонавий ва ҳрихий шахс деб биладилар. У бир мумтоз до ва илм аҳлининг мўътабарларидан эди. Шамснинг жуда кўп саволларига саҳиҳ жавоблар беки, Мавлоно, ҳатто, жуда кўп олиму уламоларидан ҳам ва ҳам уларни тан олмаган эди. Шунинг Мавлоно Шамсни ҳаётининг куёши, умр йўливар айлаган нури деб тан олган. У пайдо бўли бутун борлиқ ёришиб, Фозил олим қалбини тўлдирди.

Шамс Табризий ҳақиқатда Жалолиддин учун диний ва илмий жуда кўп муаммоларини топиб берган. Унинг қалбида адабий шеър ва шоирлик эҳсосларини уйғотди. Айти Мавлоно Шамс билан учрашгунга қадар шеър

ган, Шамс Табризийда кўрган илоҳий ишқнинг тутғени унинг қалбида шоирлик уруғини сочди. Бу эса ўз навбатида уни дунёнинг буюк шоирлари қаторига олиб чиқди. Ҳозирги кунда эса “Девони кабир” ёки “Девони Шамс Табризий” бутун дунё ошиқлари қалбидан жой олиб бўлган.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Жалолиддин Румий Балхийнинг “Мавлоно” бўлиб танилишида отаси “Султонул уламо” – Баҳоуддин Валаддан тортиб жуда кўплаб олиму уламоларнинг, тасаввуф намояндаларининг, қолаверса, у вояга етган маънавий муҳитнинг аҳамияти бениҳоя улқандир. У шариат ва воизлик илмларини отасидан, ирода илмини устози Саййид Бурхониддиндан, шоирлик ва рубоийёт илми-

ни эса ҳар қандай зулматни ёритувчи Шамс Табризий ҳамда “Куш тили”нинг эгаси бўлмиш Фаридуддин Атторлардан олган десак асло адашмаган бўламиз. Шуларнинг уммонида ғаввосдек сузган Жалолиддин барча уммонларни бирлаштирди ҳамда улкан океанга асос солди десак асло муболага бўлмайди. Зеро, Мавлононинг “Маснавийи маънавий” асари ҳақида Абдураҳмон Жомий:

Ман чи гўям васфи он олишжаноб

Нист пайгамбар вале дорад китоб

(Таржимаси: Мен улуг жаноб васфида не дей,

Пайгамбар эмас, лекин китоби бор) [5:3].

дея таъриф-у тавсиф берганда ниҳоятда ҳақ эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб / Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 14-жилд. – Т.: Фан, 1998.
2. A. Selahaddin Hidayetog'lu. "Hazret-i Mevlana Muhammed Celeddin-i Rumi". – Türkiye. 2012.
3. Beytug, Midhat Bahari, Mesnevi Gözüyle Mevlânâ, Şiirleri, Aşk ve Felsefesi, Sulhi Garan Mevlânâ, Istanbul, 1965.
4. Гребнева. Н Поэма о скрытом смысле. Избранные притчи. – М.: Наука, 1986.
5. Маснавий хикояларига шарҳлар. Найнома. Маснавий хикмавлари / Жалолиддин Румий; нашрга тайёрловчи А. Тилавов. – Т.: Мухаррир, 2011.
6. Радий Фиш. Жалолиддин Румий. – Т.: Янги аср авлоди, 2016.

АВЛИЁ ХҲҶА ИСМАТУЛЛОҲ БУХОРО ХАЛҚИ ЭЪТИҚОДИЙ ҚАРАШЛАРИДА

Шавкат БОБОЖОНОВ
Бухоро давлат университети
Бухоро тарихи кафедраси
ўқитувчиси

Мақолада Хўжа Исмат Бухорий қадамжоси билан боғлиқ халқ эътиқоди масалалари илмий манбалар ва дала этнографик маълумотларига таянган ҳолда ўрганилган.

Таянч атамалар: авлиё, зиёрат, чашма, халқ эътиқоди, хайр-эҳсон, туғ, қадамжо, “Қизил гул сайли” маросими.

Бухоро қадимдан дину диёнат, илму маърифат, бетакрор маданият маркази сифатида донг тарагган. Бухоро сўзининг “Бихор” сўзидан келиб чиқиши ҳам унинг оташпарастлар тилида “Илм макони” эканлигини англатади. Абул Ҳасан Абдураҳмон ибн Мухаммад Нишопурий “Илмлар хазинаси” асарида таъкидлайдики, “Бухоро ... ҳозиргача уламо тоифасининг тўпланган жойи, фақат балоғат ва ширин сўзларнинг манбаи бўлиб келган” [7: 3].

Шаҳар ҳар асрда ҳар қандай дин олимлари аҳллари тўпланадиган жой бўлгани манбалардан яхши маълум. Шу сабабдан ҳам Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида 160 та авлиё* мартабасига кўтарилган машойихлар, олимлар, донишмандлар ва шоирларнинг қабрлари ва қадамжолари ўрин олган. Бухоронинг жануб томонида жойлашган Шайх Жалол** дарвозасидан [9] ташқарида тахминан ярим чақирим узоқликдаги ана шундай мақддас зиёратгоҳларидан бири Хўжа Исматулла Бухорий мақбарасидир.

“Исмат”, “Исматулло”, “Ҳожа”, “Фаҳриддин”, “Бухорий” номлари билан машҳур бўлган Хўжа Исматуллоҳ аслида XV асрнинг йирик шоири бўлиб, шеърларининг мавқеи ва шухрати баладд бўлган.

Улуг шоир 1365-1375 йиллар ораллигида Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Отасининг исми манбаларда Хожа Масъуд деб тилга олинади [11: 233]. Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкиратуш шуаро” китобида ёзилишича, Хожа Исматуллоҳ бузургзода, фозил ва би-

In the article questions of popular beliefs connected to the mausoleum of Khwaja Ismat Bukhari are researched based on the scholarly sources and data from ethnographic fieldwork.

В статье изучены вопросы народных верований, связанных с мавзолеем Ходжа Исмата Бухари на основании научных источников и полевых этнографических данных.

лимдон киши эрмиш, насаби Жъффар ибн Абу Толибга уланади [1: 146]. Адиб ижодининг халқ томонидан севиб ўқилишига сабаб шеърларда мазлум халқ манфаатларининг ҳимоя қилиниши, киборли амалдору вазираларнинг ноҳақликларини ошкор қилиш, халққа қилинган жабру зулмларини фош қилиш каби масалалар кенг ўрин олганлигидадир. Шунингдек, форсийзабон шоир тасаввуфий шеърларида икки дунё саодатини мадҳ этади. Унинг поэзиясида чинакам инсоний сеvgи тароналари, ёру диёрга вафо ва садоқат ҳисларини дилга жо этувчи ғоявий йўналишлар ўз аксини топган.

Исмат тахаллусида ижод этган забардаст шоир адабий фаолиятини ўз Ватани – Бухорода бошлаб, кейинчалик Самарқандда Темур невараси Султон Халил саройида давом эттиради. Аммо темурийларнинг тахт учун ўзаро қонли жанглари, сарой аҳли фитналари, меҳнатқаш халқ устидан қилинган жабру ситамлар ва бошқа офатлар шоирни зерикарли сарой хизматидан бош тортиб, муҳтожликда бўлса-да, она шаҳри – Бухорода кун кечиршига етаклайди.

Ҳожа ислом дини йўлидаги хизматлари боис, “Фаҳриддин” (Диннинг фаҳри) унвонига сазовор бўлган. Кўп савоб ишларга бош бўлиб, хусусан, етим-есирларга марҳамат бобида хайрли намуналар кўрсатган. Ўз кулбаларини етимларга бериб, боғидан тушган даромадни уларнинг кундалик ҳаётига сарф этган [13: 161].

Хўжа Исмат 1436 йилда фақирликда бу фойи дунёни тарк этади. “Китоби Муллозода”да шоир вафоти ҳақида

* Авлиё – арабча “валий” сўзидан олинган бўлиб, Аллоҳга яқин киши, турли кароматлар соҳиби ҳамдир.

** Ҳазрат Шайх Жалол нақшбандия тариқатининг буюк пири муршиди, муҳаддис, олим, воиз, шоир бўлган.

Ушбу сонда:

| | |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Шовосил ЗИЁДОВ. IRCISA ҳамкорлигидаги халқаро анжуман..... | 2 |
| Отабек МУХАММАДИЕВ. Алоуддин Усмандийнинг ўшлик шоғирли..... | 5 |
| АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ | |
| Шуқурисло УМАРОВ. Муснад жанри ва унинг ҳадис илми тараққиётида тутган ўрни..... | 9 |
| Миродил ХАЙДАРОВ. Бурхануддин аль-Маргинани: великий исламский правовед Мавераннахра..... | 12 |
| Каримулло МИРЗААХМЕДОВ. Жарҳ ва таъдил илмида Имом Абу Ханифага берилган таъриф..... | 15 |
| Зубайдилло НАРЗИЕВ. Хужвирий тасаввуфий-фалсафий таълимотида нафс ва уни тарбиялаш муаммолари..... | 17 |
| Маъжид ИННАЗАРОВ. Имом Бухорийнинг педагогик қарашларининг ахамияти..... | 19 |
| Бобир ҲАРАЛОВ. Жалолиддин Румий тасаввуфий-фалсафий дунёқарашининг шаклланиши..... | 25 |
| Шавкат БОБОЖОНОВ. Авлиё Ҳўжа Исмаилов Бухоро халқи эътиқодий қарашларида..... | 20 |
| Бобир НАМОЗОВ. Хожа Муҳаммад Порсонинг илм, олим ва амал ҳақидаги фикрлари..... | 25 |
| Сайёра ТҲИЧИЕВА. Мустақиллик йилларида буюк аллома Имом Термизий илмий меросининг ўрганилиши..... | 27 |
| Комилжон РАҲИМОВ. Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ҳаёти ва фаолияти: зикри ҳафийга қайтишнинг бошланиши..... | 29 |
| НОДИР МАНБАЛАР | |
| Ахтам АХМЕДОВ. Мадина тарихига доир қадимий қўлёзма тавсифи..... | 31 |
| Зариф ХИДИРОВ. Ибн Асирнинг "Ал-комил фит-тарих" асари тарихий манба сифатида..... | 35 |
| ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ | |
| Бахриддин УСМОНОВ. Самарқанд ҳукмдори Абу Саид Мирзо ва Мўғлистон хони Эсан Бугахон ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларнинг саналари ҳусусида..... | 37 |
| Акматахон АКМАЛХОНОВ. Абу Якуб Саккокий – Махмуд Замахшарийнинг муносиб издоши..... | 39 |
| Захриддин Бобир ХАЙДАРОВ. Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши натижасида Наманган уезди ҳудудига вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият..... | 40 |
| Дилрабо АМИРДИНОВА. Туркистон жадидчи намоёндаларининг илмий-фалсафий меросида қомил инсон тарбияси..... | 43 |
| Ойсулув ҲАРАЛОВ. Чўпоннинг насрий асарларида эстетик ғоя моҳияти..... | 45 |
| Суннатилло АБДИМУХИДОВ. Жадидчилик: бўхтон, уйдирма ва ҳақиқат..... | 46 |
| Акматахон АХМЕДОВ. Бухоро шахрининг хонлик пойтахтига айланиши ва унинг минтақа сиёсий ҳаётидаги ўрни..... | 50 |
| Феруз НАРМАНОВ. Қизил чойхоналарнинг динга қарши курашга жалб қилиниши..... | 52 |
| Лайло УСМОНОВА. Мустақиллик даври ва миниатюра санъатининг ривожини..... | 54 |
| Nabijon DAMINOV. Samarqand viloyatda teatr san'atining rivojlanish tarixi va istiqbollari..... | 57 |
| Янгитой Турдимуратов. Ўзбеклар анъанавий чорвачилигида халқ ветеринарияси..... | 59 |
| Роҳила РАҲАБОВА. XVIII-XIX асрларда Бухорода ёзилган асарларнинг ўзига хос хусусиятлари ва муқовасоалик санъатининг ривожланиши..... | 61 |
| Ахмат РАҲИМОВ. Юртимиздан чиққан муфассирлар..... | 64 |
| ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН | |
| Бехзод СОИПОВ. Мусулмон мамлакатларида содир бўлаётган жараёнларга "ислом омили"нинг таъсири..... | 67 |
| Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ. Ислолда тежамкорлик ва исрофгарчиликка муносабат..... | 69 |
| Шахноза ҚИМСАНБАЕВА. Миллий ўзликни англашда ислом динининг ўрни..... | 70 |
| Marhabo ALLAYAROVA. Tasavvuf ta'limotining panteistik mohiyati..... | 73 |
| Мақсуд ЖАББОРОВ. Ислам дини орқали экологик маданиятни шакллантириш..... | 75 |
| Фазалийдин МАДИЕВ. Жанубий Кореяда исломнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши..... | 77 |
| МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ | |
| Нуриддин АБУЛҲАСАН. Ижтимоий тармоқларнинг ижтимоий ҳавфи..... | 79 |
| Джамшид ҚУРБАНОВ. Фундаментализмга қарши курашда ислом ғоявий манбаларининг ахамияти..... | 80 |
| Шерзод МУХАМЕДОВ, Сардорбек ҒИЁСОВ. Уюшмаган ёшлар ўртасида экстремистик оқим таъсирига қарши "иммунитет" ҳосил қилишда нодавлат ташкилотларнинг роли..... | 82 |
| ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ | |
| Дукмон ЖҲРАЕВ, Исоқжон НЕҒМАТОВ. Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнида иқтисодий маданиятни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари..... | 85 |
| Тоҳир ХАТАМОВ. XX асрда Ўзбекистонда халқ таълим тизими ривожланиши: ислохотлар, муаммолар ва тажриба..... | 86 |
| Ахтамкул САМАДОВ. Шахс эстетик идеалнинг шаклланиши ва унинг конструктив жиҳатлари..... | 90 |
| Рустам БАЙМАТОВ. Сиёсий ижтимоийлашув жараёни: мазмуни, мақсади, характери ва шаклланиш босқичлари..... | 93 |
| Дилшод ХУДОЙБЕРДИЕВ. Шахс истеъмолчилик ҳулқини шакллантирувчи омиллар..... | 95 |
| Комил ХАЙДАРОВ. Маҳорат – муаллимнинг энг қатта ютуғи..... | 98 |
| Умида ЙУЛДОШЕВА. Социальная реклама как инструмент передачи духовного наследия мыслителей Востока..... | 100 |
| Умида ТИЛАОВА. Информацион этика тарихий тараққиётида шарҳ мутафаккирлари қарашларининг ахамияти..... | 102 |
| Раҳматилло ДЖУРАЕВ. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт фанини ўқитишдаги илгор хорижий тажрибалар..... | 104 |
| Зиёдулла ЗИНАТУЛЛАЕВ. Бирламчи манбаларда Марказий Осиёнинг араб халифалигига қўшиб олиниши масаласи..... | 106 |
| Камол САЙДАЗИМОВ. Нутқий актлар назариясида тил истеъмолининг таснифи..... | 108 |
| Динара АТАЖАНОВА. Аёллар меҳнатининг қафолатларини такомиллаштириш..... | 110 |
| Марат НИЯЗИМБЕТОВ. Жамият ривожланиши моделлари моҳиятининг назарий-методологик жиҳатлари..... | 112 |
| Фарход ХАТАМОВ. Позитив ҳуқуқ ва унинг бошқарув фаолиятига таъсири..... | 115 |
| Абдурашул БОЛТАЕВ, Эгамберди АБЕРКУЛОВ. Халқаро туризмга эътибор..... | 117 |
| Олмас ТУРСУНОВА, Хуршид ДАНАБОВЕВ. Оилавий муносабатларни тартибга солишда хотин-қизлар туғрисидаги миллий манбалар..... | 120 |
| Гулбахор ИСАНОВА. Ижтимоий шериклик ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим шартини..... | 123 |
| Камола САИДОВА. Инсонда эркинлик туйғусини шакллантиришда давлатнинг роли..... | 126 |
| ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР | |
| Гавҳар РАҲМАТОВА. "Девону лугатит турк"даги ов қўшиқлари семантикаси..... | 129 |
| Тунис ХОЖИЕВ. Шарқона модернизация моделлари шаклланишининг фалсафий-тарихий асослари..... | 131 |
| Муҳаммадҷон ПАРПИЕВ. Шахс маънавиятининг диний-фалсафий таҳлили..... | 134 |
| Раъно ТУШНИЁЗОВА. Алишер Навоий ижодида умминсоний ёшунчаларининг бадий-фалсафий моҳияти..... | 136 |
| Зарифа МУМИНОВА. Авестода борлиқ ва инсонга синергетик ёндашув элементларининг намоён бўлиши..... | 140 |
| ЕШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ | |
| Хуршида БОБОҚУЛОВА. Мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти ривожига ёшлар ижтимоий – фалсафий тафаккурини шакллантириш заруриятига эҳтиёж..... | 142 |
| Икром БҲРОНОВ. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда глобаллашув шароитида "Оммавий маданият" кўринишидаги мафқуравий таъйиқ муаммолари..... | 145 |
| Нуриддин АХМАДИЕВ. Жамият маънавий ривожланиш жараёнида ёшлар тарбиясининг ўрни..... | 146 |
| ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ | |
| Раъно ДЖУРАЕВА. Ўзбекистон алломалари ҳаётини ўрганишда мобил иловалардан фойдаланиш..... | 148 |
| БИР ҲАДИС ШАРҲИ | |
| Йўлдошхон ИСАЕВ. Силаи раҳм қилган кишининг ризқи кенг бўлиши ҳақида..... | 150 |


 IMOM BUXORIY XALQARO
 ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

TAHIRIR KENGASHI

U. Alimov, A. Mansurov,
 A. Berdimurodov, A. Hasanov,
 B. Abdubaliyev, A. Mamonov,
 B. Matboboyev, B. Turayev,
 J. Yaxshilov, Z. Islomov, Z. Munavvarov,
 I. Saidov, M. Muhiddinov, N. Ibrahimov,
 U. G'ofurov, Sh. Sirajiddinov, U. Vatov,
 B. Karimov, Ashirbek Mo'minov
 (O'zboqiston), Devlin Di Uis (AQSH),
 So'nmaz Kutlu (Turkman),
 Ingeborg Baldauf (Germaniya)

Bosh muharrir
Shovosil ZIYODOV

Bosh muharrir o'rinbasarlari
Otabek MUHAMMADIYEV,
Ne'mat JABBOROV

Mushahhib
Olim DJURAYEV

Sahitalovchi-dizayner
Muhammadiqbol SHUKUROV

Jurnal O'zbekiston Respublikasi
Yazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy
Attestatsiya Komissiyasining ilmiy
jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.

O'zbekiston Respublikasi
Yazirlar Mahkamasi huzuridagi
Din ishlari bo'yicha O'zmitaning
2019-yil 31-maydagi № 3035-sonli
xulosasi asosida tayyorlandi.

Maqolada keltirilgan ma'lumotlar
uchun muallif mas'ul.

Manziliimiz:

141306, Samarqand viloyati, Payatq
tuman, Xo'ja Ismoil shaharchasi.

E-mail: buxoriy_sabotlari@mail.ru
Veb-sahifa: www.bukhari.uz
Telefonlar: (0366) 240 2019,
+99893 755 76 64
Faks: (0366) 240 2011

Boshiga 11.07.2019 yilda ruxsat berildi
O'g'oz bichim 60x84 L8.
Ofset bosma usulida bosildi
Bosma tahog 17,5.

Adadi – 150 dona. Buyurtma №
Nashr indekslari – №946, №947
ISSN 2181-4791

Jurnal 2019-yil 8-aprelda O'zbekiston
Respublikasi Prezident Administrationasi
huzuridagi Axborot va Ommaviy
Kommunikatsiya Agentligi tomonidan
№0057-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan
Bir yilda to'rt marta chop etiladi.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda
manba qayd etilishi shart.

Tahririyat fikri mualliflar
fikridan farq qilishi mumkin.

Jurnal andazasi tahririyatning kompyuter
ho'lida tayyorlandi.

Jurnal "RELIABLE PRINT" MCHJ
bosmaxonasida chop etildi. Toshkent
shahri, Chorsu maydoni, 3-A bino